

УЗОҚ ИСТИҚБОЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЛОЙИҲАЛАР

1 Биргина олий таълим тизими мисолида оладиган бўлса, олий таълим олиш истагида бўлган ҳар бир шахс учун “Электрон ҳуқумат” доирасида барча вазирилик ва ташкилотлар тизимларига интеграция қилинган универсал платформа фаолият кўрсатмоқда. Олий таълимни бошқариш ва мониторингини юритиш жараёни рақамлаштирилиб, истиқболли модуллар татбиқ этилмоқда. Ҳар ойда 15 дан зиёд олий таълим муассасаларида талабалар ва профессор-ўқитувчиларга яратилган шароитларни ўрганиш, камчиликлар аниқланса, уни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш ишлари назоратга олинган. Бу ҳам жамиятимиз аъзолари орасида билимни мутахассислар сафини ошириб бориш, ўз касбини чуқур ўрганиш йўлидаги эзгу сазо қарорларидир.

Умуман, Ўртабшмиз бошчилигидаги барча янгиланишларда, ислохотларда халқимиз ҳаётига бевосита дахлдор бўлган соҳаларда кўзда тутилаётган вазиirlар ҳар жиҳатдан қамраб олинаётгани ҳаммаси инсон қадрини эканлигининг ифодасидир. “... Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом тутилсин, мактаби ишласин, йўллари раво бўлсин, деб ишга келдим...”. Ўртабшмизнинг қалб кўридан чиққан ушбу сўзлар эртасини ўйлаган, келажакни шу юртдан айро тасаввур этолмайдиган ҳар бир инсонни ўз масъулиятини янада теран ҳис этишга ундайди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон қисқа давр ичида яратилган мустақам пойдеворга таянган ҳолда ҳажонга юз тутди. Олий таълим

тизими мисолида оладиган бўлса, нафақат миллий имкониётлар кенгайтирилипти, балки барча соҳалар каби дунёга очилмоқда. Хусусий университетларнинг ривожланиб бораётгани, уларнинг йилдан-йилга ошиб бораётган нуфузи, кўлами ёшларнинг олий таълим билан қамровини оширишдаги ҳиссасида намён бўлмоқда. Соғлом рақобат муҳитининг шаклланиб бораётгани, давлатимизнинг ишончи тўқайли хусусий олийгоҳларнинг хорижий университетлар ва халқаро ташкилотлар билан академик, илмий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ривожланиб борапти. Ўз навбатида, чет эл делегацияларининг юртимизга ташрифи, таълим форумларининг салмоғи сезиларли бўлди.

Дунё таърибига назар солдиган бўлса, нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан (QS — Quacquarelli Symonds, THE — Times Higher Education, ARWU — Academic Ranking of World Universities) ҳар йили эълон қилинадиган энг нуфузли университетларнинг “ТОП — 10” талигида айнан хусусий университетларнинг 1 ва 2-уринларни эгаллаб келаётганини кўриш мумкин. Бу борада ҳам давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати, таълимни ривожлантириш бўйича қабул қилаётган Фармон ва қарорлари нечоғли ахамиятли экани ва келажакда меҳнат бозори учун рақобатбардош мутахассисларнинг нафақат хорижда, балки ўзимизда ҳам етишиб чиқишига хизмат қилишини эътироф этмоқ жоиз.

Биргина Халқаро Нордик университети (ХНУ) фаолияти мисолида оладиган бўлса, олийгоҳ қисқа вақт ичида халқаро ҳамкорлик учун платформага айланиб улгурди. Жорий йилнинг ўтган

даврида 20 дан зиёд хорижий давлатлар делегациялари кутуб олинди ва чет мамлакатларга таълим ташрифлари амалга оширилди. Хусусан, вакилларимизнинг АҚШга таълим сафари уюштирилиб, нуфузли Рован университети билан 6 та муҳим йўналишда келишувга эришилди. Ўз навбатида, Рован университети делегацияси жавоб ташрифини амалга оширди ва ХНУнинг халқаро ташаббусларини фаол қўллаб-қувватламоқда.

ХНУ проректори бошчилигида мамлакатимизнинг 20 та етакчи олий таълим муассасаси вакиллари учун Финляндияга таълим сафари уюштирилгани ҳам халқаро ҳамкорликнинг амалий самарасидир. Юртимизнинг чет тили ўқитувчилари учун ҳам мазкур хорижий давлатда малака ошириш курси ташкил этишга муваффақ бўлинди, фин таърибиса ҳар томонлама ўрганилди.

ХНУга Финляндия Ташқи ишлар вазириликнинг Ўрта Осие бошқармаси вакилларининг ташрифи ҳам самарали кечди. Шунингдек, Хельсинки ва Карелия университетлари делегациялари билан ҳамкорликнинг кейинги истиқболлари белгилаб олинди. Яқинда, яъни 3 — 5 июнь кунлари ХНУда Финляндия Ташқи ишлар вазирилик ва Хельсинки университети ҳузуринда Қонун устуворлиги маркази билан ҳамкорликда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибияти ходимлари учун семинар ташкиллаштирилди. Семинарда Финляндия Адлия вице-канцлиги Микко Пумалаинен спикерлигида фуқаролар муҳофазатлари билан ишлаш борасидаги фин таъриббалари кенг ўрганилди.

Ўзбекистон — Эстония тизими ҳамкорлиги ҳам таҳсина са-

зорвор. Хусусан, Эстония ишбилармон доиралари делегациясининг юртимизга ташрифи уюштирилиб, университетимизда кенг форматда халқаро бизнес форуми ўтказилди.

ХНУ томонидан “IDC” таълим маркази билан ҳамкорликда илк бор юртимизда 24 та хорижий мамлакат ўқувчилари иштирокида Тошкент халқаро математика олимпиадаси ўтказилгани ҳам эътироф этиш жоиз. 17 — 20 май кунлари ТАСИМО олимпиадасининг финал босқичи 300 нафар маҳаллий ва чет эллик 3 — 11-синф ўқувчилари иштирокида юқори савияда ўтказилди.

Нуфузли беллашув ўқувчиларга нафақат ўз қобилиятини намён этиш, балки таъриб ва билим олиш, дунёнинг энг яхши математикалари билан танишиш имкониятини яратди. Иштирокчиларнинг ақлий, иждоий ва таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилди. Тошкент халқаро математика олимпиадаси академик мукамаллик, динамизм, иждоий инновацияларни қўллаб-қувватлаш, ёш иқтидор эгаларининг янги авлодини кашф қилиш ва рағбатлантириш каби хусусиятлари билан ҳам устуворлик касб этди.

Айтиш жоизки, Халқаро Нордик университети таърифи буюраётган хорижлик педагоглар, профессор-олимлар билан суҳ-

батларда “Меҳнаткаш халқингизга ҳавасимиз келди. Одамлардаги хушқайфият, ишонч, айниқса, ёшларнинг кўзларида илмга чанқоқлик бизни лол қолдирмоқда. Ўзбекистоннинг ўзи танлаётган йўлдан оғишмай қандай дадил бораётганининг асосий сабаби ҳам ҳаёт ва меҳнат завқи билан яшаётган инсонлари экан, деган хулоса қилаямиз...”, деган фикрни билдирмоқда.

Айта оламизки, бунинг сабаби юрtdаги тинчлик ва осойишталикда ҳамдир. Тинчлик бўлмаса, ким ўз олдига мақсад қўя олади?

Албатта, давлат ва жамият бошқаруви, бизнесни тараққий эттириш, барча соҳа ривожидида салохиятли ёшлар катта кучдир. Янги-янги ташаббус ва ғояларни илгари суриш, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда уларнинг нуқтаи назари, саз-ҳаракатлари ҳар қачонгидан ҳам ҳозирги шиддатли давримизда муҳимдир.

Халқимиз кўзлаган эзгу мақсадларга эришиш — янги Ўзбекистонни барпо этиш, бу йўлда мавжуд муаммоларни самарали ҳал қилиш ўз соҳасининг устаси бўлган етук мутахассисларни қамолга етказиш билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса янги авлод кадрларини тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида малакали, фидоий ва битанпарвар педагогларга талабни оширади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир чиқиши, даввати барчамизга, айниқса, ёшларимизга ҳаёт баҳосини теран англашга кўмаклашади, руҳлантиради. Мақолада қайд этилган барча жиҳатлар интилувчан, серғайрат, катта-катта мақсадлари бор ёшларни янада руҳлантириши, юрт тараққиётига ҳисса қўишига тайёр бутун бошли авлодни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Халқаро Нордик университети ректори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Ҳаво ифлосланишига қарши биргаликда курашилади

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик томонидан Жаҳон банки ҳамда БМТнинг Атроф-муҳит дастури (UNEP) билан ҳамкорликда “Марказий Осиеда тоза ҳаво билан келажак куриш” шиори остида илк сиёсий минтақавий мулоқот бўлиб ўтди.



Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг давлат идоралари вакилларини жамлаган ушбу тадбирда Осие ҳамда Европадан ҳаво сифатини бошқариш соҳасидаги етакчи мутахассислар ҳам иштирок этди.

Тадбир давомида минтақа давлатлари ўртасида мувофиқлаштирилган ҳаракатларни рағбатлантириш ва ҳаво ифлосланишининг олдини олиш соҳасида ўзаро билан ва таърибда алмашилди.

Иккита микроГЭС фойдаланишга топширилди

Фаргона вилоятининг Шохимардон қишлоғида 2,2 МВт қувватта эга “Шохимардон” микрогидроэлектр станцияси ишга туширилди.



“Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигида бунёд этилган ушбу микроГЭС Шохимардон қишлоғи аҳолисини экологик тоза электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш ва қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш имконини беради.

Шунингдек, 430 кВт қувватта эга “Водил” микроГЭСнинг фойдаланишга топширилиши натижасида “Юқори Водил” МФЙда яшовчи аҳоли экологик тоза электр энергияси билан тўлиқ таъминланади.

Олис ҳудуддаги замонавий боғча



Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги чекма ҳудудлардан бири ҳисобланган “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғинида давлат-хусусий шериклик асосида яна бир нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият бошлади.

“Бойчечак” номли 100 ўринга мўлжалланган мазкур муассасада болажонларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган.

Китоб тумани ҳокимлиги ва прокуратура ходимлари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда ота-оналар иштирок этган тадбирда тарбияланувчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишилди.

Ёшлар саноат технопарки

Йил аввалида давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишларидан бирида Янгиер шаҳрида ун-қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича вазирилик белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалида озиқ-овқат кластери қўринишидаги Ёшлар саноат технопарки очилди.

Мазкур лойиҳа доирасида жами 1 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб этилиб, печенье, ун-қандолат ҳамда бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Халқ сўзи».

Экспорт

ФАРҒОНА ГИЛОСИ ХОРИЖДА СОТИЛМОҚДА

Айни кунларда Фарғона вилоятдан юборилган гилос Хитойнинг Чэнду шаҳридаги савдо тармоқларида сотувга чиқарилди.


Ўзаро келишувга кўра, “Chendu — Ferghana” савдо уйи орқали Хитойга жўнатилган 700 кг. гилос боғжона кўригидан муваффақиятли ўтди. Бу Чэнду шаҳри маҳаллий бозорига доимий равишда экспортга жўнатиш ва сотиш мақсад қилинган янги гилос навининг биринчи жўнатмаси ҳисобланади.



Таъкидлаш керакики, Фарғона вилояти делегациясининг ўтган йил сентябрь ойида Хитойга амалий ташрифи давомида Фарғона вилояти ва Сичуань музофоти ўртасида ҳамкорлик бўйича келишувга эришилган эди. Бунинг самараси сифатида жорий йилнинг 3 май куни музофот маркази — Чэнду шаҳрида “Фарғона савдо уйи” ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН КАПИТАЛИ — БЕБАҲО РЕСУРС



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси муассислигида чоп этилаётган “Ватан” ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журнаlining иккинчи сони нашрдан чиқди.

Мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигининг ҳаётий ифодаси ўлароқ дунё юзини кўраётган ушбу салмоқли нашрда берилган таҳлилий руҳдаги мақолалар, суҳбатлар, талқинлар, жозиб шеърлар, турли соҳа мутахассислари ва экспертларининг мулоҳазалари, хориждаги ватандошларимизнинг соғинч туйғуларига тўла дил сўзлари ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Юрtdошларимизни мушоҳада қилишга ундайди, ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини янада юксалтиришга ҳисса қўшади.

Мутолаа

Ватаннинг танланмаслигини, она каби муқаддаслигини, ўзининг Ўзбекистон фарзанди эканини чўнг самимият ила таъкидлаган муаллифнинг яқинда мамлакатимизга, киндик қони тўқилган Самарқандга қилган саёҳатидан олган таассуротлари оламжаҳон, қувонч ва ифтихорга тўла. “...юртимизни таний оламим. Чиндан-да, кўп нарсалар ўзгарибди, Ўзбекистонимиз обод ва фаровон мамлакатга айланди, гўзаллашибди. Бу гўзаллик юрtdошларимиз қалби-га ҳам кўчганини ҳис этдим. Уларнинг гап-сўзларида бугунги кундан шукроналикни, эртанги кунга қатъий ишончни туйдим. Ақл бовар қилмайди...”, деб ёзади у.

Ватандошимиз Ўзбекистондаги бу ўзгаришлар, бунёдкорликлар, юксалишнинг ташаббускори Президент Шавкат Мирзиёев эканини эътироф этаркан, шундай дейди: “Ватанимнинг бугунги жамолини кўриб, одамлар тафаккурини юксалишдан ҳайратланиб, Ўзбекистоннинг келажакки порлоқ дея баралла айта олам. Чунки унинг Шавкат Мирзиёевдек узоқни кўзлаган, прагматик, фидоий етакчиси, халқнинг асл фарзанди бор!”

“Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ билан суҳбатда хотирланган шайх Муҳаммад Юсуф

Журнал саҳифаларидан жой олган ҳар бир материал Ватанимизнинг шонли ўтмишидан, бугунги янгиланишларнинг сурати ва сийратидан сўзлайди. Ўқувчи билан беради, унинг туйғуларини, маънавий оламини бойитади. Бунинг ахамиятини эса бир сўз билан ифодалаш мушкул. Эотан, Президентимиз таъкидлаганидек, бугун биз барпо этаётган янги Ренессанс пойдевори ҳам, ҳеч шубҳасиз, инсон капитали, илм-фан, инновация ва янги кашфиётлар асосида бунёд қилинади.

«Халқ сўзи».

Шу йилнинг 24 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон — Япония қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш форуми ҳамда япон пазандачилик кўргазмаси бўлиб ўтади.

ТОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

ЁХУД СЎЛИМ ХУДУДЛАРНИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИДАН ҚАНДАЙ ФЙДАЛАНИЛМОҚДА?

Жаннатмонанд юртимизнинг дунёга машҳур қадимий шаҳарлари, табиати мафтункор масканлари кўп. Самарқанд, Бухоро, Хиванинг кўҳна обидалари, Зомини Бахмалнинг сўлим гўшалари, пурвиқор тоғлари ҳар қандай инсонда хайрат ва ҳавас уйғотади. Шу боис бу ҳудудлар мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда ҳам алоҳида мавқега эга.

Зомин туманининг сайёҳлик салоҳиятини оширишда унинг осмонўпар қорли тоғлари ва ям-яшил арчазорларининг ўрни катта. Тоғлар орасида жойлашган табиий яси текислик ҳалқ орасида "Суффа" номи билан машҳур. Бу маскан ўзининг географик ўрни ва табиий иқлими билан туризмни ривожлантиришга жуда қўлай. У денгиз сатҳидан 2400 метр баландликда жойлашган. Бу ерда ёзнинг жазира кунларида ҳам ҳарорат ўртача 32 даража атрофида бўлади. Шунинг учун ҳам бу ерни туристлар маскани сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Сайёҳлик

Хусусан, 2021 йил 6 апрелдаги "Зомин" туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони билан "Зомин" туристик-рекреацион зонаси очилди.

Туристик зона ҳудудидан қурилган "Суффа платоси. 2 400" халқаро умуммавсумий курорти ва "Уриқлисий" туризм мажмуаси бугунги кунда мамлакатимизнинг тури ҳудудларидан кел-

ёлларни кенг жалб қилишга ҳамма шарт-шароит яратилмоқда. Бизнинг туристик зона ташкил этилишидан ҳам тоғли ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсад қилинган. Шу боис Зоминда халқаро умуммавсумий курортлар, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-қўнғилочар ва бошқа туризм инфратузилмаси объекти яратиш бўлиб эълан қилинган. Уларнинг фаолияти янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутяпти. Ҳозирда узунлиги 2200 метр бўлган

улкан тоғ чўққиларига сайр қилиш жуда ҳам мароқли. Биз саёҳатимизни бир кунга мўлжаллаган эдик, ammo бу ернинг мусоффо ҳавосиyo замонавий маданий ҳордик чикариш масканларининг маъқул келгани сабабли оила аъзоларимиз билан яна бир неча кунга қоладиган бўлдик. Таассуротимизни уйга қайтганимизда қариндошларга, қўнғилочиларга айтиб, уларни ҳам бундай мўъжизакор масканларга саёҳат қилишга чорлаймиз.

Туристик-рекреацион зонада сайёҳларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси яратилган. Утган йилда "Wyndham Garden", "Hampton by Hilton", "Ramada Encore by Wyndham" каби замонавий брендларнинг 3 та уч юлдузли меҳмонхонаси барпо этилди. Бу ерда халқ хунармандчилиги махсулоти бўлган турли сопол идишлар, уйинчоқлар сотиш йўлга қўйилган. Сайёҳларнинг кўнғилчи дам олиши учун соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатмоқда.

— Жаҳон туризми жадал ривожланётган ҳозирги замонда соҳага инновацион усуллари татбиқ қилиш давр тақозосига айланмоқда, — суҳбатни давом эттирди Абдуғани Авазов. — Бугун

"Bungee Jumping" аттракцион фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Суффада спортнинг тоғ чангиси, биатлон, аркон спорти, трамплиндан сакраш турларини ташкил этиш мумкин. Сайёҳлик бу фақат кўнғилочар томошалардан иборат эмас. Аксинча, сайёҳлар юртимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий таомларимиз ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши керак. Дам олиш зонасида ўтов уйлар ҳам ташкил этмоқчимиз. Дор йўли ва дор кўприк бошқа йўналишлар бўйича ҳам бунёд қилинади.

— Мен дунёнинг кўпбал мамлакатларида бўлганман, — дейди россиялик сайёҳ Александр Гусев. — Ер юзида табиий гўзаллиги билан машҳур давлатлар кўп. Лекин улар орасида инсон ақли-заковати билан ташкил этилган мўъжизакор объектларнинг ўз ўрни бор. Назаримда, Суффада қурилган дор йўли ана шундай мажмуалардан бири. Осмонўпар тоғлар бағрида шамолда тебраниб турган дор йўлидан юришнинг гаши ўзгача. Пастда оёгингиз тагида қоялар, тепада эса қорли тоғларни кузатиш одамга ўзгача кайфият ва куч бағишлайди. Бу — юртингизда туризмни ривожлантиришга оқилона ёндашилаётганининг ифодаси.

Суффада сайёҳлар учун қўлайлик яратиш мақсадида 29 та шале типидидаги уйлар қурилмоқда. Мазкур биноларда оилавий дам олиш учун қўлайлик ҳозирланган. Шунингдек, минг ўринли амфитеатр қурилиши ниҳоятда яқинда бошланади. У битгач ҳафтасига 2 марта таниқли санъаткорлар, 2 марта фольклор ва халқ ансамбли қатнашчилиги иштирокида концертлар уюштирилиши режалаштирилган. Хива шаҳридаги каби сайёҳларнинг ўзбек халқ куйи ва кўшиқларига жўр бўлиб рақсга тушиши, мириқиб дам олишига имкон яратилади. Суффада фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш биноси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги оила қураётган келин-куёвлар зиёратгоҳларга, кўнғилочар масканларга сайр қилишни исташади. Эндиликда улар бошқа томонларга бориб юрмайди, никоҳларини шу ерда расмийлаштириши мумкин. Қолаверса, чет эллик сайёҳлар никоҳни расмийлаштириш тантаналарида иштирок этиб, миллий урф-одатларимизни ўз кўзлари билан кузатиш имкониятига эга бўлади.

— Туризм дунё бўйлаб улкан саноатга айланиб бормоқда, — дейди Зомин тумани ҳокими ўринбосари, инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи Дилшод Мамадазимов. — Соҳани ривожлантириш учун инфратузилмалар фаолиятини яхшилаш даркор. Ҳозирда Суффага сайёҳлар, асосан, Зомин тумани марказидан ўтадиган асфальт йўл орқали келишмоқда. Бу ердан Бахмал туманига олиб борадиган йўл ҳам мавжуд. Келгусида уни таъмирлаб, ишга тушириш режага киририлган. Ана шунда туристик зонага юртимизнинг гарбий ҳудудларидан автомобиллар Бахмал орқали кириб келиши мумкин. Бу Зомин тумани маркази томонидан келадиган йўлдаги тирбандликларнинг олдини олади. Транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди.

Туризм — мамлакат ҳазинасига сар-

моя олиб келадиган хизмат тури. Машъумотларга мурожаат қилсак, ўтган йили Жиззах вилоятига 144,2 минг хорижий ва 1 миллион 176 минг маҳаллий сайёҳлар ташрифи қайд этилган. Соҳанинг ривожланиши эса мамлакатимиз нуфузини янада оширишга, дунёга танитишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Абдусаттор СОДИҚОВ («Халқ сўзи»).



“Бугун туристларни хайратлантириш осон эмас, лекин удалася бўладиган иш. Яқинда қуриб битказилган осма кўприк ана шундай иншоотлардан бири, десак, айни ҳақиқат. Узунлиги 300 метр ва баландлиги 150 метр бўлган ушбу осма кўприк сайёҳлар хайрати ва қувончини оширмоқда. Дам олиш кўнлари ушбу нафардан ошайтган бўлса, ҳафтанинг қолган кўнлари масканимизга 2,5-3 минг сайёҳ келмоқда.”

ган меҳмонлар, хорижлик сайёҳлар билан гавжум. — Жонаҳон Ватанимиз табиати турфа гўзаллиқларга бой. Хорижликлар кўп барханлари қоплаган саҳраларимизни ҳам, сўлим боғу хибобларимизни ҳам, шарқироқ сойларга, мафтункор шаршаларга, арчазорларга бой тоғу дараларимизни ҳам кўргиси келади, — дейди "Зомин" туристик-рекреацион зонаси директорининг ўринбосари Абдуғани Авазов. — Бугунги кунда ана шу имкониятдан фойдаланиб, юртимизга сай-

замонавий дор йўлини қуриб ишга туширдик. Унинг максимал ўтказиш қобилияти соатига 1200 нафар мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Бу объектнинг ишга тушиши билан туристлар оқими кескин ошди. Қўшни давлатлардан ҳам сайёҳлар ташриф буюрмоқда. — Замонавий дор йўли бизга жуда манзур бўлди, — дейди Хоразм вилоятидан келган сайёҳ Бойназар Худойназаров. — Кабиналар замонавий дизайнда 8 кишига мўлжалланган бўлиб, унда

туристларни хайратлантириш осон эмас, лекин удалася бўладиган иш. Яқинда қуриб битказилган осма кўприк ана шундай иншоотлардан бири, десак, айни ҳақиқат. Узунлиги 300 метр ва баландлиги 150 метр бўлган ушбу осма кўприк сайёҳлар хайрати ва қувончини оширмоқда. Дам олиш кўнлари ушбу масканга ташриф буюрувчилар 5 минг нафардан ошайтган бўлса, ҳафтанинг қолган кўнлари масканимизга 2,5-3 минг сайёҳ келмоқда. Экстремал спорт қизиқувчилари учун

туристларни хайратлантириш осон эмас, лекин удалася бўладиган иш. Яқинда қуриб битказилган осма кўприк ана шундай иншоотлардан бири, десак, айни ҳақиқат. Узунлиги 300 метр ва баландлиги 150 метр бўлган ушбу осма кўприк сайёҳлар хайрати ва қувончини оширмоқда. Дам олиш кўнлари ушбу масканга ташриф буюрувчилар 5 минг нафардан ошайтган бўлса, ҳафтанинг қолган кўнлари масканимизга 2,5-3 минг сайёҳ келмоқда. Экстремал спорт қизиқувчилари учун

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

СИАНЬ — САМАРҚАНД — СИАНЬ ЙЎНАЛИШИДА АВИАҚАТНОВ ОЧИЛДИ

Хитойнинг Шэньси музофоти Сиань шаҳрида "Zhejiang Loong Airlines" авиакомпаниясининг Сиань — Самарқанд — Сиань йўналиши бўйича илк парвозига старт бериш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Шэньси музофоти губернатори ўринбосари Ван Хайпэн, авиакомпания президенти Гао Инчжань, Сиань халқаро аэропорти бош директори Тан Шаофэй, Хитой шимоли-ғарбий минтақаси фуқаро авиацияси маъмурияти раҳбари ўринбосари Ниу Цзюньмин ва Ўзбекистон элчихонаси вакиллари Сиань — Самарқанд — Сиань йўналишида амалга оширилган мазкур парвознинг аҳамиятига атофлича тўхталиб ўтилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тури соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, хорижий инвесторлар учун яратилаётган қўлай шароитлар ҳамда мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ҳақида батафсил сўзлаб берилди.

Тадбир чоғида Ван Хайпэн Хитой ва Ўзбекистоннинг энг муҳим маданий марказлари ўртасида авиақатновларнинг йўлга қўйили-

ши, минтақавий дўстона муносабатлар мустаҳкамланишига, хусусан, мазкур ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини кенгайтириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида авиақатновлар сонини кўпайтириш ва парвозлар географиясини кенгайтириш нафақат "Бир макон, бир йўл" ташаббуси мақсадлари билан ҳамоҳанг, балки икки мамлакат давлат раҳбарлари томонидан 2023 йил 18 май кунини Сиань шаҳрида имзоланган Қўшма баёнот, шунингдек, 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон билан Хитой ўртасида янги даврда ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастури ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 — 25 январь кўнлари Хитойга амалга оширган давлат ташрифи чоғида

томонлар ўртасида эришилган келишувларда ҳам ўз ақсини топганлиги баён этилди.

Мазкур келишувлар ижроси доирасида олиб борилган сайёҳаракатлар натижасида айни вақтга келиб, икки мамлакат ўртасидаги парвозлар сони ҳафтасига 20 тага етказилганлиги билдирилди.

Ушбу парвозлар "Uzbekistan Airways" АЖ, "Zhejiang Loong Airlines", "China Southern Airlines" авиакомпаниялари томонидан йўлга қўйилган бўлиб, амалга оширилаётган парвозлар Пекин — Тошкент ўртасида 7 та, Урумчи — Тошкент йўналишида 5 та, Сиань — Тошкент ўртасида 3 та, Чэнду — Тошкент ўртасида 3 та ва Сиань — Самарқанд йўналишида эса 2 та эканлиги маълум қилинди.

Тадбир сўнгиде Хитой томони билан мазкур йўналишдаги тизимли ишларни изчил давом эттиришга, хусусан, соҳага оид шартномавий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ҳолда яқин келажақда икки мамлакат ўртасидаги парвозлар сонини ҳафтасига 100 тага етказишга келишиб олинди.



«АВЛОДЛАР МУЛОҚОТИ» ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ВАКИЛЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

Ўш шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон вакиллари иштирокида «Авлодлар мулоқоти» халқаро форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда Қирғизистон Маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазирлиги, Андижон вилояти ёшлар ташкилотлари, икки давлат маҳаллий бошқарув органлари вакиллари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари қатнашди.

Мулоқот доирасида ялли мажлис, сессиялар, турли мунозаралар ва маданий тадбирлар уюштирилди.

Уларда иштирокчилар ёшлар сиёсати, тадбиркорлик, ахборот технологиялари ва бизнеснинг турли йўналишлари бўйича ҳамкорлик масалалари тўғрисида фикр алмашдилар. Ўзбекистон вакиллари сафар давоми-

да Ўш шаҳрининг диққатга сазовор масканлари билан ҳам танишди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур форум Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг турли авлодлари ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг



2023 йил январь ойида Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифи доирасида эришилган келишувлар асосида ташкил этилди.

«Дунё» АА.

Кечадан 1-синфга қабул учун онлайн ариза топшириш бошланди. Эндиликда ота-оналар фарзандларини 2024/2025 ўқув йилида 1-синфга жойлаштириш учун «my.maktab.uz» электрон платформасидан фойдаланиши мумкин.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 104 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. МҲАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қоғозбичим 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Т. Эшбоев. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6